

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Навоий шаҳри

69 -сон

«04» январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Н.Б.Ниязбеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Навоий вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан _____ асосида фаолият юритувчи директори Ш.Ғ.Худойбердиев иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1.Ижрочи Қўриқлаш бошқармаси саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда **Буюртмачининг** мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловларни вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2.Буюртмачи: томондан Навоий шаҳар А.Авлоний кўчаси 16 уйда жойлашган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига қарашли гиёҳванд ва психотроп моддалар сақлаш хонасини Иш кунлари 05-соатлик соат 00-00 дан 05-00 га қадар ТҚМ орқали ҳамда маъмурий бинога кириб чиқиш жойига ҳар куни 01-соатлик соат 10-00 дан 11-00 га қадар Қўриқлаш бўлими ТҚМ Ташвиш тугмаси орқали қўриқлаш учун Ижрочига топширади. Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Қўриқлаш бошқармаси саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш маркази орқали қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

қўриқлаш хизмати ТҚМ орқали ойига кўрсатилган хизмат учун 1.057.000 сўм этиб белгиланади,

9.1 Мазкур шартнома бўйича курсатиладиган хизмат нархи жорий йилнинг 1-чораги учун урнатилган таъриф асосида ҳисоб-смета бўйича 3.171.000 сўмни ташкил этиб, (колган 2-3-4-чорақлари учун харажатлар шартномага қўшимча келишув битими билан тасдиқланади) шартноманинг ажралмас қисми бўлган ҳисоб-сметасида ҳисоблаб курсатилади. «Қўриқлаш» хизмати нархи, энг кам ойлик маошларининг узгариши сабабли «Қўриқлаш» хизмати учун янги таърифлар киритилганда қайта куриб чиқилади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.